



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ**

№ 1037

2020 йил «12» октябрь

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЎШАБ ҚОЛГАН
ЎРИНЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ АЪЗОСИ САЙЛОВИ БЎЙИЧА БЎЛИБ
ЎТГАН ҚЎШМА МАЖЛИСДА САЙЛАНГАН У.ЖАЛМЕНОВ ВА
М.КАМАЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИ ЭТИБ РЎЙХАТГА
ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14, 16 ва 85-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси сайлови бўйича 2020 йил 9 октябрь куни ўтказилган қўшма мажлиси баённомасига асосан **Улыкбек Абылаевич Жалменов** ва **Мурат Каллибекович Камалов** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси этиб рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

Раис

М.Абдусаломов